# ПОСТХОЛЕЦИСТЕКТОМИК СИНДРОМ РИВОЖЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ҲАВОТИРЛИ-ДЕПРЕССИВ БУЗИЛИШЛАР ПСИХОКОРРЕКЦИЯСИ

**Курбонбоев Сирож Кувандиқ ўгли** – ассистент
**Ибадуллаев Бекзод Бахромович**
*Урганч давлат тиббиёт институти (Урганч, Ўзбекистон)*

Бугунги кунга келиб ЖССТ маълумотларига асосан касалликлар статистикасига назар ташласак, гипатобилиар тизим касалликлари ва уларнинг асоратлари ривожланиб бориши йилдан-йилга ошиб бормоқда. ЖССТ маълумотлари бўйича холесистэктомия ўтказган беморларнинг 30% и постхолесистэктомик синдром ривожланишидан азият чекади (World Health Organization (WHO) — Gastrointestinal Disorders Statistics, 2023.). Бу синдром беморларда психоэмоционал бузилишларнинг ривожланиб бориши ва беморлар рухиятида жиддий ўзгаришларни келтириб чикаради (Khurana R., Kochhar R. – “Postcholecystectomy Syndrome: Diagnostic and Management Approaches”, Journal of Clinical Gastroenterology, 2021.). Шу сабабдан беморлар руҳиятида бўладиган бузилишларни ўз вақтида аниқлаб, тиббий-психологик ёндашуни олиб бориш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

**Мақсад:** Постхолесистектомик синдром ривожланган беморларда ҳавотирли-депрессив бузилишлар даражасини аниқлаш ва уларни коррекция қилишда рационал психотерапиянинг ахамиятини ўрганиш

**Материал ва методлар:** ТТА Урганч филиали терапия бўлимида постхолесистектомик синдром ривожланган 30 нафар бемор асосий гуруҳга киритилган ҳолда кузатувга олинди. Беморларнинг ўртача ёши 45.1±4,5 ни ташкил қилди, шундан эркаклар - 46%, аёллар -54% ни ташкил қилди. Таққослаш гуруҳига эса ПХС билан касалланган 24 бемор киритилди, Бу гуруҳдаги беморларнинг 45% - эркаклар, 55% ини аёллар ташкил қилди. Беморларимизда психоэмоционал бузилишлар, яъни, хавотир ва депрессия даражасига баҳо беришда HADS шкаласидан фойдаланилди. Беморларда аниқланган психоэмоционал бузилишлар даражасини психокоррекция қилишда 1-гуруҳда базис давога қўшимча рационал психотерапия, 2-гуруҳда беморларда фақат стандарт терапиядан ўтказилди. Олинган кўрсаткичлар статистик таҳлил қилинган ҳолда, қуйидаги натижалар олинди.

**Натижалар:** Унга кўра асосий гуруҳдаги 30 нафар беморимизнинг 40% ида клиник ҳавотир, 47% ида субклиник ҳавотир ва 13% ида ҳавотир йўқлиги, назорат гуруҳда эса ҳавотир даражаси 33% ида клиник ҳавотир, 50% ида субклиник ҳавотир ва 17% ида ҳавотир йўқлиги аниқланди. Беморларимизда аниқланган депрессия даражаси асосий гуруҳда 37% клиник депрессия, 50% субклиник депрессия ва 13% ида депрессия йўқлиги, назорат гуруҳда эса бу кўрсаткич 37,5% клиник депрессия, 37,5% субклиник депрессия ва 25% депрессий йўқлиги қайд қилинди. Даводан кейин, асосий гуруҳда ўтказилган рационал психотерапиядан кейин терапия натижалари, беморларимизда ривожланган клиник ҳавотир даражаси 40% дан 13% гача, субклиник ҳавотир даражасини 47% дан 30% гача пасайишига, ҳавотир аниқланмаган беморларимизнинг 13% дан 57% гача ўсишини таъминлади ($p<0,001$), асосий гуруҳдаги беморларимизда депрессия даражаси, клиник депрессия 37% дан 13% гача, субклиник депрессия 50% дан 33 % гача, депрессия аниқланмаган беморларимизда эса бу кўрсаткич 13% дан 54% гача

ўсиши кузатилди($p<0.01$). Таққослаш гуруҳида эса бу кўрсаткичлар фақат базис даво ҳисобига ҳавотир ва депрессия даражаларида деярли кам ўзгаришлар қайд қилинди

**Хулоса:** Олинган натижалардан шуни хулоса қилиш мумкинки, постхолесистектомик синдром ривожланган беморларимизда психоэмоционал бузилишлар юқори эканлиги, ўтказилган рационал терапиядан кейинги муолажаларидан сўнг асосий гуруҳдаги беморларимизда ҳавотир, депрессия даражаларининг, 2 чи гуруҳдаги беморларимизга нисбатан юқори даражада пасайганли, бу эса ўз навбатида бу беморларда рационал психотерапияни тўғри йўлга қўйиш ва терапевтик жараёнларга мукаммал йўналтириш лозимлигини исботлаб берди.